RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 32 (9.070) * 1998 йил 20 март, жума * Сотувда эркин нархда


# НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Саноат

## МОМОЛАР МЕРОСИ

***«Шарқ гули» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган кўли гул чеварлар ҳам қадимий байрамимиз Наврўзни ўз меҳнатларида — тайёрлаётган маҳсулотларида акс эттиришмоқда.***

— Кашта тикиш, унда тарихимизни, миллий урф-одатларимизу қадриятларимизни акс эттириш, ҳар қатига муҳаббату маҳоратни бахшида этиш момою бувиларимиздан қолган мерос, — дейди корхона бош муҳандиси Кимёхон Қаюмова. — Ўтмишда аёлларимиз ўз кашталарида орзу-армонлари, ушалмаган муҳаббатлари, кутаётган ёруғ кунларини акс эттиришган бўлса, бугунги каштачилигимизда мустақил Ватанимиз аёлларининг ҳаётдан мамнунликлари, муҳаббатда, оилада бахтлилиги, юртимиз равнақию келажаги, шу билан бирга тарихий анъаналаримиз ҳам ўз аксини топмоқда.

Оила йилида келинлар уйини безовчи гулкўрпа, палак, зардевор ва кирпечлар, келинлар нимчаси, эркаклар чопони ва бодомча дўппилари, ироқи дўппилар корхона аҳлининг байрамга муносиб тухфалари бўлди. Айниқса, бош мусаввир Ёқутхон Нурмуҳаммедова яратган, гуллар билан безатиб «Наврўз» сўзи туширилган сўзана жамоанинг унутилмас шодиёнага тўёнаси бўлди.

*Шоира БОТИРОВА.*



*Рустам Шарипов олган сурат.*

Хабарингиз борми?

## МАЗАСИ ОҒЗИНГИЗДА ҚОЛАДИ

Халқимизнинг дилига бир олам қувонч ва фахр-ифтихор солиб кириб келган қутлуғ кунимиз дастурхонини безашда «Ўртоқ» ҳиссадорлик жамияти қандолатчиларининг ҳам ўзларига яраша ҳиссалари қўшилмоқда.

— Гап қанча маҳсулот ишлаб чиқаришда эмас, балки қанақа маҳсулот ишлаб чиқаришда эканлиги бугунги бозорнинг асосий талабларидан биридир, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Мухтор Икромов. — Шунинг учун биз ўзимизнинг харидор дидига, кўнглига мос ширинликларимиз билан байрам дастурхонини безашга ҳаракат қилдик. Айниқса, «Мевали», «Олма», «Лимон» деб номланган карамеллар, «Фарҳод», «Ўзбекистон», «Зафар», «Туркистон», «Тошкент», «Наво» конфетларимиз, болаларимиз учун «Мўъжиза», «Коинот» сингари ширинликларимиз аҳоли дастурхонига файз бағишлаши шубҳасиз.

Шунингдек, корхонада жуда ихчам қадоқланган ширинликлар ҳамда «Роҳат кўли», «Асалари» деб номланган конфетлар ҳам нафақат дастурхонингизга, балки тановул қилгач, ўзингизга ҳам байрамона ширинлик ва илиқлик бахш этса ажаб эмас.

*Шоҳида БОБОЕВА.*

***Бундан бир ой олдин шаҳримизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришнинг икки ойлиги эълон қилинган эди. Унинг дастлабки босқичи Наврўз байрами арафасида кўриб чиқилди.***

— Бу йил қиш бироз чўзилиб, баҳор юмушларимиз анча кечикди, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг бош агрономи Лазокат Исломова. — Даставвал шаҳримиздаги марказий майдонларда, кўчаларда, хиёбонларда «Безаш» ижодий корхонаси, «Рассом» комбинати, «Тасвирий ойина» уюшмасининг бадиий безаш паннолари ўрнатилди.

## ОРАСТАЛИК ЮМУШЛАРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ва Наврўз байрами ўтказиладиган бадиий саҳна атрофидаги кўкаламзорлаштириладиган майсазорлар, гулзорлар, буталар тартибга келтирилди.

Шаҳар ҳудудини санитар тозалаш бўйича «Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан ҳар куни 350—370 та чиқинди ташиш автомашиналари ёрдамида мавжуд чиқиндилар шаҳар ташқарисига олиб чиқиб ташланди.

Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси шаҳримиздаги 50 дан зиёд қабристонларнинг ён-атрофи, суғориш шохобчаларини таъмирлади. 200 дона қуриган дарахт ва буталар олиб ташланди.

Қисқа вақт ичида 120 гектар майдон ҳар хил чиқинди, хазонлардан тозаланди. 100 дона игна баргли дарахтлар ўтқазилди. 1000 дан ортиқ дарахтга шакл берилди. 50 километр суғориш шохобчалари тозаланди.

Ш. Рашидов, Пушкин, Абдуллаев, Бобур, Ўзбекистон кўчаларидаги 2 минг квадрат метр ҳажмдаги йўллар жорий таъмирланди. Шох кўчалар четидаги чўян тўсиқлар ҳам таъмирланиб, қайтадан бўялди.

Бу қилинган ишлар байрамолди тараддуди, холос. Баҳор юмушлари яна давом этаверади.

*Гулзода МАМБЕТОВА.*

Элчилар қутлайди

## БАХТ-САОДАТ, ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙМИЗ

**Умур АПАЙДИН, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Барча туркий халқларнинг кўҳна ва энг гўзал байрами бўлган Наврўз билан бутун Ўзбекистон халқини самимий табриклайман. Бу Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қарши олаётган еттинчи Наврўзидир. Ана шу фурсат ичида Ўзбекистон дунёга танилди, унинг халқаро нуфузи ортди, мамлакат иқтисодиёти ва халқ хўжалиги жадал ривожланди. Шу етти йил ичида Ўзбекистон билан Туркия — икки қардош давлат ўртасидаги муносабатлар ҳам жадал равнақ топганидан жуда мамнунман. Наврўзи олам муносабати билан, ана шу дўстлигимиз асло завол кўрмасин, деб ният қиламан.

**Жан Клод РИШАР, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Мен Ўзбекистонда истиқомат қилаётган икки йил давомида халқингизнинг жуда кўп ажойиб байрамларининг гувоҳи бўлдим. Шулардан энг гўзали бўлган Наврўзи олам байрами мени ҳамиша лол қолдириб келади. Бу дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-муҳаббат айёмидир. Ана шу қутлуғ байрам муносабати билан Ўзбекистон халқи ва ҳукуматини чин дилдан қутлайман. Давлатингизнинг халқаро обрўси, элингизнинг фаровонлиги бундан буён ҳам ортиб бораверсин.

**Солтон ПИРМУҲАМЕДОВ, Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Азиз қардошларим, қадрли ўзбекистонликларни Наврўзи олам билан табриклайман. Наврўз ҳар бир ўзбекистонликка янгидан-янги омадлар, бахту иқбол олиб келсин. Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам кенгайиб борсин. Абадий дўстлигимиз барқарор бўлсин.

**Андрис ВИЛЦАНС, Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Мен Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига бахт-саодат, тараққиёт ва фаровонлиқ тилайман. Қолаверса, Ўзбекистон ҳукуматининг тинчликпарварлик сиёсатига, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги хатти-ҳаракатларига катта муваффақиятлар тилайман. Шуни ҳам айтишим керакки, Латвияда ҳам худди Наврўзга ўхшаб кетадиган баҳор байрами бор. Ҳар икки байрам меҳр-мурувват, оқибат, тинчлик байрами сифатида олқишланади. Байрамларимизнинг ҳам ўхшашлиги Ўзбекистон ва Латвия дўстлиги мустаҳкамлигидан далолат беради, деб ўйлайман.

**Ойдин АЗИМБЕКОВ, Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

— Қардош Ўзбекистон элини қадимий ва ҳамиша боқий Наврўз байрами билан қутлайман. Мен ўзбек халқини ўзимнинг иккинчи она халқим деб биламан. Чунки менинг ёшлик йилларим Ўзбекистонда ўтган. Шу ерда ўқиганман, ишлаганман. Мустақил ҳаёт уммонига айнан Ўзбекистонда қадам қўйганман. Шунинг учун ўзбек халқининг барча қувончларига самимий шерик бўламан. Наврўзи олам кунлари ҳам худди ўз уйимда байрамни нишонлаётгандек Ўзбекистон Наврўзига шодланаман, яйрайман. Ўзбекистон ва Озарбайжон давлатлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишонч ҳам ана шундай самимий ва умрбоқийдир.

*Хайриддин НУРМАТОВ ёзиб олди.*

Футбол

## БИРИНЧИЛИК БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

***Қутлуғ Наврўз байрами арафасида футболимиз ўзининг янги мавсумини бошлади: 18 март куни Ўзбекистон VII миллий чемпионатининг байроғи кўтарилди.***

Қалдирғоч турнинг марказий ўйини Наманганда бўлди. Маҳаллий «Навбаҳор» Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасини қабул қилди.

Бу икки жамоанинг учрашувлари доимо қизиқарли ва баҳсли кечади. Шу боис ўйингоҳга 55 мингдан зиёд томошабин ташриф буюрди.

Учрашувнинг биринчи бўлимида «Навбаҳор» жамоасининг янги қабул қилинган ўйинчиси Гамбиров ҳисобни очди.

Шундан сўнг пахтакорчилар ҳужумга зўр бериб, ҳисобни тенглаштиришга ҳаракат қилишди. Сўнгги дақиқаларда Миржалол Қосимовнинг кучли зарбасини Дмитрий Башкевич аранг тўхтатиб қолди.

Иккинчи бўлим ҳам ҳужумкор руҳда ўтди. Гоҳ меҳмонлар, гоҳ мезбонлар ҳужумлари дарвозаларга хавф солди.

Учрашув охиригача 1:0 ҳисоби ўзгармади.

Турнинг навбатдаги ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Темирйўлчи» — «Бухоро» — 0:1, «Андижон» — «Сўғдиёна» — 0:1, «Хоразм» — «Трактор» — 1:0, «Зарафшон» — «Насаф» — 0:0, «Сурхон» — «Нефтчи» — 0:3, «Косонсой» — МҲСК — 1:1. «Пахтакор» 22 март куни Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоасини қабул қилади.

*Раҳмон АЛИ.*

# БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1998—2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармон билан мазкур Дастур маъқулланди ҳамда унинг бажарилишини назорат қилувчи республика комиссияси тузилди.

◆ Президент Ислом Каримов кеча АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Преселни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

◆ Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг мажлисида шу йилнинг биринчи чорагида солиқ органларининг солиқлар тушумлари ва бюджетга тўловлар борасидаги ишлари таҳлил қилиб чиқилди.

◆ Яна бир йирик саноат корхонаси — йилига 300 минг тонна рудани қайта ишлаб, фосфорит кукунига айлантириб берадиган Қизилқум фосфорит комбинати ишга тушмоқда.

◆ Янгийўлдаги «Усмон Юсупов номли фирма» ҳиссадорлик жамиятида АҚШнинг «Тексуна» фирмаси билан ҳамкорликда дастлаб 40 миллион қути болалар таоми ишлаб чиқариш қувватига эга бўладиган 4 та линияни монтаж қилишга киришилмоқда. Ушбу қўшма корхона Мустақилликнинг 7 йиллиги арафасида маҳсулот бера бошлайди.

◆ Хивада Маъмун академияси биносини таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Президентимиз Фармони билан ташкил этилаётган ушбу академияда ишлайдиган олимлар учун уй-жойлар қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

◆ Наврўз арафасида Тошкентдаги Навоий, Буюк ипак йўли кўчалари ва бошқа жойларда «Тасвирий ойина»нинг дастлабки кўргазма марказлари ташкил этилди. Уларда Наврўз байрами, Оила йили қадриятлари тараннум этилган.

◆ «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси Жиззах вилоятидаги Дўстлик ва Бахмал туманлари шифохоналарига дори-дармонлар, сувни тозалаб берувчи «Эсперо» қурилмаларини совға қилди.

## ЖАҲОНДА

◆ Бугун Одессада Украина Президенти Леонид Кучма ва Россия Бош вазири Виктор Черномирдин воситачилигида Молдованинг Днестрбўйи ҳудудидаги можарони ҳал этишга бағишланган музокаралар бўлиб ўтади. Унда Молдова Президенти Петру Лучинский ҳамда ўз-ўзини Днестрбўйи республикаси, деб эълон қилган ушбу мухторият етакчиси Иван Смирнов иштирок этадилар.

◆ Россия ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан Смоленскда ҳибсга олинган Грузиянинг собиқ президенти Звиад Гамсахурдиа ҳукуматида молия вазири вазифасида ишлаган Гурам Абсанадзе кеча Тбилисига келтирилиб, тергов қамоқхонасига жойлаштирилди. У Грузия маъмурлари томонидан 1992 йилда давлат тўнтаришига уринишда, алоҳида катта миқдорда давлат мол-мулкини ўғирлашда ҳамда Президент Эдуард Шеварднадзега икки марта суиқасд уюштиришни маблағ билан таъминлашда айбланяпти.

◆ Чоршанбага ўтар кечаси Тожикистонда номаълум шахслар ҳукумат қуролли кучлари постини ўққа тутишлари оқибатида бу ердаги вазият яна кескинлашиб кетди. Бу ҳужум оқибатида беш нафар милиционер ва яна бир фуқаро ҳалок бўлди. Мухолифатчилар улар тарафдорларининг бу ҳужумга алоқалари йўқлигини билдирдилар.

◆ Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Фармони билан телерадиоэшиттириш корпорацияси ташкил этилди. У қисман ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши, яъни тижорат асосида иш юритиши кўзда тутилган.

◆ Кеча Бхаратия Жаната парти етакчиси Бош вазир Атал Бихари Важпаи бошчилигидаги Ҳиндистон коалицион ҳукумати қасамёд қилди. Ҳукумат аъзолари 10 кун давомида мамлакат парламентида муҳокама қилингандан сўнг уларга ишонч билдириш масаласи кўриб чиқилади.

◆ БМТ Бош ассамблеясининг ўнинчи фавқулодда сессиясида халқаро ҳамжамиятга аъзо 120 давлат Исроилни Шарқий Қуддусда яҳудийлар учун янги уй-жойлар қуриш режасидан воз кечишга даъват этувчи яна бир қарор қабул қилдилар. Бу қарорга Исроил, АҚШ ва Микронезия қарши овоз берди.

◆ БМТ Бош котиби Кофи Аннан Яқин Шарқда боши берк кўчага кириб қолган музокараларни яна бошлашга кўмаклашиш мақсадида ушбу минтақага сафарини давом эттирмоқда. У Иордания ва Мисрда бўлганидан сўнг кеча Исроилга келди. Кофи Аннан Фаластин, Сурия ва Ливанда ҳам бўлиш ниятида. Бу мамлакатлардаги музокаралари давомида у Исроилни БМТ бундан 20 йил илгари қабул қилган қарорга мувофиқ ўз қўшинларини Жанубий Ливандан олиб чиқиб кетишга кўндиришни мўлжаллаяпти.

◆ Жанубий Корея ҳукуматининг мамлакатда рўй берган молиявий инқироздан чиқиш учун халққа шахсий олтин буюмларини хазинага топшириш даъвати ўз самарасини бермоқда. Бу ерда салкам икки ярим ой ичида давлатга 225 тонна олтин топширилди. Унинг 195 тоннаси ёмбига айлантирилиб, ҳозирнинг ўзида чет элларга сотилди.

◆ Россиянинг «Мир» орбитал станцияси билан туташтирилган АҚШнинг «Спейс шаттл» космик кемасида парвоз қилган ўзбек миллатига мансуб космонавт Солижон Шарипов АҚШ аэронавтика ва космик тадқиқотлар ташкилоти — НАСАнинг бронза медалига сазовор бўлди.

